

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНХОДЖАЕВА АДИБАХОН АМИРСАИДОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТИНИ ТИББИЙ-
БИОЛОГИК ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.38 – Спорт тиббиёти
14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2024

УЎК: 615.825.4:614.2:796.015-053.71(571.1)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Sciences (DSc)

Усманходжаева Адихохон Амирсайдовна

Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар спортини тиббий-биологик

таъминлаш тизимини оптималлаштириш..... 3

Усманходжаева Адихохон Амирсайдовна

Оптимизация системы медико-биологического обеспечения

детско-юношеского спорта в Узбекистане 27

Usmankhodjaeva Adibakhon Amirsaidovna

Optimization of the system of biomedical provision of

youth sports in Uzbekistan 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНХОДЖАЕВА АДИБАХОН АМИРСАИДОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТИНИ ТИББИЙ-
БИОЛОГИК ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.38 – Спорт тиббиёти
14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.DSc/Tib823 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Поляев Борис Александрович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ризаев Жасур Алимджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ачкасов Евгений Евгеньевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бутко Дмитрий Юрьевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Хамида Елимесовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Козон давлат тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-25.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурия. Дунёда спорт ва жисмоний тарбиянинг узоқ йиллик тарихи, замонавий жамиятда спортни таълим, оила ва давлат институтлари билан бир қаторда инсонларнинг ҳаётий стратегиясини шакллантиришда ижтимоийлашув ва ижтимоий мобиллик востиларини таъминловчи институт сифатида намоён этади. Ўзбекистонда охириги ўн йилликларда оммавий ва касбий спортни ривожлантиришда алоҳида стратегик сиёсат юритаётган давлат сифатида жаҳонда тан олинмоқда. Республикада соғлом жамиятни ва спортнинг миллий моделини шаклланишида болалар ва ўсмирлар спорти ўзининг ижтимоий ўрнини эгаллаб келмоқда. Шу билан бирга «...жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишда қатор тизимли муаммо ва камчиликларнинг мавжудлиги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш спорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда...»¹ ва уларни ечими долзарб муаммолар қаторига кирмоқда. Болалар ва ўсмирлар спортини ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасидаги спорт фанининг халқаро тажрибасини ўрганишда, тиббий биологик ва спорт услубий муаммолари ижтимоий-иқтисодий, психологик ҳамда умумпедагогик манфаатлар биргаликда спорт захираларини тайерлаш жиҳатлари билан уйғунлашганлиги кузатилади.

Шу сабабли болалар ва ўсмирлар спортини тиббий-биологик таъминотидаги долзарб вазифаларни ҳал этиш йўллари ёш спортчиларни саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган барча тузилмаларнинг идоралараро иштирқи мажмуаси ва концептуал ёндашувини ишлаб чиқиш, тиббий, биологик, руҳий ва педагогик соҳадаги мутахассислар иштироки билан янги усулларни жорий этишни талаб этади.

Жаҳонда болалар ва ўсмирлар спортини тиббий-биологик таъминлашнинг ташкилий жиҳатларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада болалар ва ўсмирлар спорти миллий моделини шакллантириш, тиббий жиҳатларини таъминлашни ташкил этиш, спорт мактаблари шахслари контингентини тезкор тиббий кўрик дастурларини таҳлил қилиш, чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда ёш спортчиларда патологик ҳолатларни эрта ташхислаш ва қайта тиклаш датурларни яратиш, ихтисослаштирилган спорт муассасаларида таълим олаётган атлеткачилар организмининг асосий тизимларини функционал ҳолатини баҳолаш ва жисмоний ривожланишини ўйғунлигини назорат қилиш, ёш атлеткачилар ҳаёт сифатини баҳолаш, шифокор-мураббий кузатишлар баённомасини мувофиқлаштириш йўли билан болалар ва ўсмирлар спортини тиббий-биологик таъминлашнинг дастурини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга касб этмоқда.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 05 мартдаги ПФ-5368-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли спорт турлари билан шуғулланадиган болалар ва ўсмирлар орасида соматик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, болалар ва ўсмирлар спортини тиббий-биологик таъминлашнинг ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат бошқарув тузилмаларини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 26 августдаги ПФ-5787-сон «Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, қайта қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича ишларни молиялаштириш тартибини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924 сон «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ва келгусида такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 18 декабридаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишиларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Болалар ва ўсмирлар спортини таъминлашнинг ташкилий ва тиббий-биологик жиҳатларини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of California, University of Oklahoma, University of George Washington

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи rmit.edu.au; www.curtin.edu.au; www.latrobe.edu.au; www.durham.ac.uk; www.vu.edu.au; www.mie-u.ac.jp; www.niigata-u.ac.jp; www.tsukuba.ac.jp; www.vu.edu.au; www.newcastle.edu.au; www.sus.edu.cn сайтлар асосида ишлаб чиқилган

(АҚШ); RMIT University (Australia); University of Curtin (Australia) University of Trobe (Australia); University of Durham (Буюк Британия); University of Victoria (Australia); University of Mie University of Niigata; University of Tsukuba (Япония) University of Center for Community-Based Healthcare Research and Education (CoHRE) (Япония); University of Newcastle (Australia) University of Shanghai, University of Sport (Хитой) Turku University (Туркия); Universitaires de Genève, (Швейцария); University of Gothenburg, (Швеция); University of Antwerp (Бельгия); Ewha Womans University (Жанубий Корея), National Institute of Nutrition (Ҳиндистон); Республика илмий-амалий спорт тиббиёти марказида (Тошкент, Ўзбекистон), Тошкент тиббиёт академиясида, Самарканд давлат тиббиёт университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Болалар ва ўсмирлар спортини таъминлашнинг ташкилий ва тиббий-биологик жиҳатларини баҳолаш борасида олиб борилган илмий тадқиқотларда қуйидаги илмий натижалар олинган: спорт машқларини бажаришда болалар ёшини инобатга олмаган ҳолда допинг ишлатилиши ва унинг тиббий ва клиник муаммоларнинг келтириб чиқариши асосланган (RMIT University, Australia); соғлиқга салбий таъсир этувчи бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва яхна ичимликларнинг спортчиларнинг саломатлик ҳолатига, жисмоний ривожланиши ва жисмоний имкониятларининг салбий таъсири орқали маҳсулотларни ўрни ва аҳамияти очиб берилган (University of Curtin, University of La Trobe, Australia); энергетик ичимликларнинг спортчиларда бош оғриғи, қориндаги оғриқлар, фаолликнинг ошиши ва уйқусизлик ҳолатларга олиб келиши орқали жисмоний қобилятининг пасайиши каби белгилари исботланган (University of Durham (Буюк Британия); илк болалик даврида спорт турлари билан шуғулланишга ажратиш натижасида уларнинг орасида жароҳатланишлар даражасининг кескин ортиши исботланган (University of Mie, University of Niigataf, University of Tsukuba (Япония); бокс, гребля, шахмат, велоспорт билан шуғулланилаётган спортчиларда генетик хусусиятлари ва функционал ҳолатлар ўрганилган (Ўзбекистон).

Болалар ва ўсмирлар спортининг ташкилий жиҳатлари МДҲ олимларининг ишларида кўриб чиқилган (Луцкан И.П., Саввина Н.В. 2012, Глазова В.В. 2014, Токарева О.Н. 2015, Гареев Д.Р. 2014, Ермакова Ю.Н., Степанова О.Н. 2010). Спорт билан шуғулланувчи болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш, касалланишни таҳлил қилиш муаммолари яқин ва узоқ хориж муаллифларининг илмий ишларида ўз аксини топган (Halsen S.L. 2014, Jones S.M., Griffiths P.C. 2017, Moher D., Shamseer L., Clarke M. 2015, Курникова Н.В. 2013). Бугунги кунга келиб, ёш спортчиларнинг патологик олди ҳолатини эрта ташхислаш, спорт жароҳатларини олдини олишнинг айрим масалалари ўрганилди, спортда кўрсаткичларга эришиш учун машғулот тартибида индивидуал ёндашувнинг роли ўрганилди (Вершинин Е.Г., Гуро О.А. 2015, Гурьянов М.С.2006, Денисенко Ю. П., Высочин Ю. В., Яценко Л. Г. 2015, Доронцев А.В., Козлятников О.А., Каширский А.В. 2018). Хорижий мутахассислар томонидан спортда фавқулодда вазиятларни бошқариш учун тиббий назорат стандартлари ва протоколлари ишлаб чиқилган (Almqvist J,

Valovich McLeod TC, Cavanna A, Jenkinson D, Lincoln AE, Loud K, Peterson BC, Portwood C, Reynolds J.2008, American Academy of Orthopaedic Surgeons (AAOS) 2017, American Academy of Pediatrics Council on Sports Medicine and Fitness 2017)

Дунёда болалар ва ўсмирлар спортини таъминлашнинг ташкилий ва тиббий-биологик жиҳатларини яхшилаш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: болалар ва ўсмирлар спортини миллий моделини ўрнини асослаш; олимпия захиралари ихтисослаштирилган мактабларининг санитар тиббий қисми шароитида спорт шифокори фаолияти тизимини мувофиқлаштириш; ҳудудларда болалар ва ўсмирлар спортини тиббий-биологик таъминлаш дастурини такомиллаштириш, жисмоний ривожланишни баркамоллигини таъминлаш, спорт жароҳатларни олдини олишга қаратилган долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда болалар спортини тиббиётнинг долзарб муаммолари соҳасидаги тадқиқотлар натижасида унинг тиббий қузатувини кўплаб масалалари ўз ечимини топди. Бироқ маҳаллий илмий амалиётда болалар-ўсмирлар спортини тиббий-биологик таъминотининг ташкилий жиҳатларига бағишланган ишлар учрамайди. Ўсиб келаётган авлоднинг ўзини юксалтириши ва ўз кучидан фойдаланишдаги спортнинг роли турли давлатлар болалар ҳамда ўсмирлар спортини моделларида ўрганилган маълумки ҳар бир давлат ўзининг ижтимоий-иқтисодий даражасида хусусий миллий моделни шакллантиради, ўрганилаётган соҳа субъектлари ўртасида бирлик ҳосил қилинади (М.И.Золотов, 2004; О.И.Вареник, 2007; Гросс Й., Мерфи К., 2000). Шу билан боғлиқ ҳолда хусусий моделни такомиллаштириш, Республикада болалар ва ўсмирлар спортини тузилмавий ташкил этишни таҳлили алоҳида қизиқиш уйғотади. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда давлатимизда ёш спортчиларни саломатлик ҳолатини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда мактабагача таълим ёшидаги болалар ва мактаб ўқувчиларининг саломатлик ҳолати, жисмоний ривожланиши ва овқатланишининг ўзига хос хусусиятлари гигиеник асосланган (Г.И.Шайхова, 2019;2020), лицей ва коллеж ўқувчилари орасида жисмоний тарбия машғулотларининг саломатлик ҳолати, жисмоний ривожланиши ва жисмоний қобилятига таъсири гигиеник асосланган (Н.Ж.Эрматов, 2011); организмнинг баъзи тузилмаларини функционал ҳолати ва жисмоний ривожланиш, касбий йўналтириш ва касбга танлаб олиш масалаларининг гигиеник хусусиятлари ёритилган (Л.И.Исакова, 2018), шахмат ва шашка билан шуғулланадиган ўқувчиларнинг овқатланиш тартиби гигиеник таҳлил қилинган (Г.И.Шайхова, 2020). Бироқ, болалар ва ўсмирлар спортини таъминлашнинг ташкилий ва тиббий-биологик жиҳатларини ёритиш масалалари такомиллаштирилмаган.

Болалар ва ўсмирларнинг индивидуал машғулот тартиби, ёш ва анатомо-морфологик кўрсаткичларини ҳисобга олиш билан саломатлик имкониятини башоратлаш масалалари ҳал этилмасдан қолмоқда. Касаллик ёки спорт фаолиятида муҳитнинг ноҳуш омилларининг таъсири натижасида бузилган

имконият ўрнини босиш ёки тиклаш, мос бўлган ўсиш ва ривожланишга боғлиқ бўлган организмнинг асосий тизимларини мослашиш хусусиятлари ҳамда умуман функционал захираларини сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолашни ўтказиш зарур бўлиб қолмоқда. Спорт билан шуғулланувчи болалар ҳамда ўсмирларни тиббий-биологик таъминот баённомаси ва илмий асосланган миллий стандартлари ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.27.9 «Спорт билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирларда патология олди ва патологик ҳолатларини ташхислашни мажмуавий дастурлари ва уларни олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги грант лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида болалар ва ўсмирлар спортини тиббий-биологик таъминлаш дастурларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Болалар ва ўсмирлар спортини миллий моделини шаклланишида тиббий-биологик жиҳатларини таъминланганлигини таҳлил қилиш;

болалар ва ўсмирлар спортининг тиббий таркибини ташкил этишни динамикада баҳолаш;

чуқурлаштирилган тиббий кўрик датурларни ўрганиш ва спорт билан шуғулланувчиларда ташхисланган патологик ҳолатларни тузилмавий таҳлилинини ўтказиш;

шифокор-мураббий назорати баённомаларини такомиллаштириш асосида машғулот жараёнида спортчилар организмни функционал ҳолатини тезкор баҳолаш дастурларини яратиш ва жисмоний ривожланганлигини соматотип орқали баҳолаш;

итисослаштирилган спорт марказларида атлетларни ҳаёт сифатини ўрганиш ва ёши, жинси, спорт турларига асосан таҳлил қилиш;

Олимпия захиралари ихтисослаштирилган мактабларининг санитар тиббий қисми шароитида спорт шифокори ва мураббийларни фаолияти тизимини рақамлаштириш йуллари орқали мувофиқлаштириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳри болалар ва ўсмирлар мактабларида спорт билан шуғулланувчилар, Республикадаги Олимпия захиралари коллежларидаги 2015-2020 йиллар давомида шуғулланаётган 11 ёшдан 19 ёшгача бўлган 1790 нафар болалар ва ўсмирлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида спортчиларни амбулатор картаси, шифокор-мураббий кузатиш баённомаси, чуқурлаштирилган тиббий кўрикларнинг ҳисобот шакллари, Олимпия захиралари коллежларининг тиббий-санитар қисмини тиббий ҳужжатлари, шаҳар шифокор –жисмоний тарбия диспансерининг ҳисоботлари (2015-2017), Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери (2017-2022) спортчиларининг антропометрик ва функционал кўрсаткичлари, атлетларнинг ҳаёт сифати, машғулот жараёнидаги

гемодинамикаси, умумий жисмоний иш қобилиятини баҳолаш матнлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда болалар ва ўсмирлар спортини таъминлашнинг ташкилий ва тиббий-биологик жиҳатларини баҳолашда клиник, асбобий, баён этувчи, эпидемиологик ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

илк бор спорт фаолияти ва турини инобатга олган ҳолда элит спортчиларининг саломатлигини даврий баҳолашнинг миллий стандарти ишлаб чиқилиб, аниқланган патологик ўзгаришларда индивидуал тикланиш дастурини яратишга асос бўлган;

илк бор спорт муассасаларида шуғулланувчи болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикларини янги мувофиқлаштирилган дастури асосида ёш атлетларни патология олди ва патологик ҳолатлари белгиларини эрта ташхислаш, жисмоний юклама таъсиридаги юзага келадиган тўсатдан ўлим ҳолатларини олдини олиш чора-тадбирлари исботланган;

ёш спортчиларда йилнинг турли фаслларидаги ўзгарувчан микроклим шароитларида жисмоний юкламаларни етарли даражада мослашиш заҳира имкониятларини ривожланиш механизмларини юрак қон томир ва вегетатив нерв тизими фаолияти билан боғлиқлиги асосланган;

илк бор Республика ихтисослаштирилган спорт мактаблари шароитида турли спорт билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирларда ҳаёт сифати кўрсаткичлари асосида соғлом, тўлақонли ижодий ва фаол турмуш тарзини юритишни амалга ошириш зарурлиги ва жисмоний имкониятларидан қониқиш даражасини баҳолаш мезонлари асосланган;

илк бор шифокор-мураббий кузатишларида машғулот жараёнида янги такомиллаштирилган баённома орқали индивидуаллаштириш дастурида ёш спортчиларни организмда функционал заҳираларни бошқариш, ёш ва жинсининг физиологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда атлетларда зўриқиш синдромини эрта аниқлашда 83% сезигарлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ҳалқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, замонавий усулларни жорий этиш йўли билан спортнинг ҳар хил турларига боғлиқ ҳолдаги чуқурлаштирилган тиббий кўрикнинг миллий стандарти ишлаб чиқилган;

организмнинг асосий тизимлари функционал ҳолатини, элит спортчиларнинг руҳий физиологик статусини назорат қилиш ва саломатлигидаги у ёки бу турдаги аниқланган силжишларда тикланишни индивидуал дастурлари ишлаб чиқилган;

спорт мактабларида шуғулланувчи болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикларининг мувофиқлаштирилган дастури, ёш атлетларни патология олди ва патологик ҳолати эрта белгиларини спорт билан шуғулланиш учун хулоса ва тавсиялари дифференциаллаштирилган;

машғулот жараёнида шифокор-мураббий кузатишларида такомиллаштирилган баённомалар ёш спортчилар организмда функционал

захираларни бошқариш, ёш ва жинснинг физиологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда машғулотларнинг индивидуал дастурларини қайтадан кўриб чиқишга замин яратилган;

ишлаб чиқилган электрон дастур ёрдамида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахсларни соматотиплаш ҳамда жисмоний ривожланишини назорат қилиш ва баҳолаш усуллари спорт шифокорларининг амалиётига тадбиқ этилган;

спорт шифокори ва мураббийни иш ўрнини автоматлаштирилган дастури ёрдамида мутахассислар фаолиятини бирлаштириш, спортчилар организмнинг функционал ҳолати, профессионал ўсиши ва ютуқларга эришишни мониторинг қилишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган болалар ҳамда ўсмирлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, асбобий, эпидемиологик ва статистик тадқиқот усулларида болалар ва ўсмирлар спортини таъминлашнинг ташкилий ҳамда тиббий-биологик жиҳатларини ташкиллаштиришни такомиллаштириш тартиби халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг вақолатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти спортнинг ҳар хил турларига болаларни танлаб олишни қиёсий мезонлари, спорт билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирларга малакали тиббий ёрдамни ташкил этишни мажмуавий дастурини ишлаб чиқиш ҳамда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига мос бўлган, спорт билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирларни тиббий текшириш стандартлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикасида болалар-ўсмирлар спортини тиббий-биологик таъминлаш дастури мувофиқлаштириш, спорт шифокорнинг амалий ишини соғлиқни сақлаш вазирлиги ва спорт вазирлиги ихтисослаштирилган муассасалари тиббиёт бўлими фаолиятидаги янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш натижасида эса ёш спортчиларда патология олди ва патологик ҳолатларни эрта аниқлашга, даволаш профилактика чора-тадбирлари самарадорлигини оширишга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

биринчи илмий янгилик: илк бор спорт фаолияти ва турини инobatга олган ҳолда элит спортчиларининг саломатлигини даврий баҳолашнинг миллий стандарти ишлаб чиқилиб, аниқланган патологик ўзгаришларда индивидуал тикланиш дастурини яратишга асос бўлган;

Хулоса: ишлаб чиқилган миллий стандарт асосида турли спортларда спортчига чуқурлаштирилган тиббий кўрикга ажратилган 1 500 000,0 сўм маблағидан 450 000 сўмгача иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: илк бор спорт муассасаларида шуғулланувчи болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикларини янги мувофиқлаштирилган дастури асосида ёш атлетларни патология олди ва патологик ҳолатлари белгиларини эрта ташхислаш, жисмоний юклама таъсиридаги юзага келадиган тўсатдан ўлим ҳолатларини олдини олиш чора-тадбирлари исботланган;

Хулоса: юрак-қон томир касалликларда иқтисодий самарадорлиги йилига 17659635,4 сўмни ташкил қилди. Неврологик кассалик бўйича 45812890,4 сўм, жаррохлик - 138861,52 сўм ва бошқа касалликларда 85842279,0 сўмни ташкил этилиши аниқланди;

учинчи илмий янгилик: ёш спортчиларда йилнинг турли фаслларидаги ўзгарувчан микроклим шароитларида жисмоний юкламаларни етарли даражада мослашиш заҳира имкониятларини ривожланиш механизмларини юрак қон томир ва вегетатив нерв тизими фаолияти билан боғлиқлиги асосланган;

Хулоса: спортчиларга қайта тикланиш дастурида тўлаш эҳтиёжи 1 нафар спортчига бюджет маблағларини 2 645 500,0 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: илк бор Республика ихтисослаштирилган спорт мактаблари шароитида турли спорт билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирларда ҳаёт сифати кўрсаткичлари асосида соғлом, тўлақонли ижодий ва фаол турмуш тарзини юритишни амалга ошириш зарурлиги ва жисмоний имкониятларидан қониқиш даражасини баҳолаш мезонлари асосланган;

Хулоса: ҳаёт сифатини спортчиларда ўрганиш ва ноҳуя оқибатларини ўз вақтида бартараф қилиниши мактабларга ажратилган бюджет маблағидан 600 минг сўмдан 850 минг сўмгача қўшимча харажатлардан иқтисод қилиш имконини берган;

бешинчи илмий янгилик: илк бор шифокор-мураббий кузатишларида машғулот жараёнида янги такомиллаштирилган баённома орқали индивидуаллаштириш дастурида ёш спортчиларни организмида функционал заҳираларни бошқариш, ёш ва жинсининг физиологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда атлетларда зўриқиш синдромини эрта аниқлашда 83% сезигарлиги исботланган.

Хулоса: такомиллаштирилган шифокор-мураббий назорати баённомаси спорчиларда зўриқиш синдромини эрта аниқлашда 83% сезигарлигини исботлади ва спорчиларда лаёқатсизлик кунларини олдини олишда ёрдам бериб бюджет маблағидан хар битта спортчига 50 000 сўмгача қўшимча харажатлардан иқтисод қилиш имконини яратди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12та илмий ва амалий конференцияларда, шу жумладан 6 та халқаро ва 6 та республика миқёсида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар томонидан

тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 11 та республика, 6 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 7 боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар ва илоадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг «**Болалар ва ўсмирлар спортини тиббий –биологик таъминоти ва ташкил этилишини замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида болалар ва ўсмирлар спортининг замонавий ҳолатини назарий асослари хорижий ҳамда маҳаллий адабиётларнинг манбалари асосида таҳлил қилинган. Болалар спортини ривожланишининг хусусий моделларини шакллантириш ва уларнинг ўзига хосликлари, спорт ва жисмоний тарбия дарсларига мойилликни ошириш ҳамда ҳаётнинг соғлом тарзига, болаларнинг фаол-ижобий муносабатига, жисмоний тарбия-спорт муҳитни таъсирига бағишланган яқин ва узоқ хорижийлик олимларнинг ишлари кўриб чиқилган. Ёш спортчиларни ижтимоий ҳолати, ҳаёт сифати, шикастланишлари, касалланиш муаммолари батафсил ўрганилган. Машғулотлар юкмаси ва жуда зич таълим олувчи ўқувчи –спортчиларни саломатлигини сақлашни амалий жиҳатлари, ривожланадиган патология олди ҳолатларини олдини олиш ва эрта ташхислашда қўлланиладиган тадбирларни такомиллаштиришда муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот матнлари ва усуллари. Қўлланилган усулларни баҳолашда методологик ёндашувлар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усулларининг умумий ҳажми ва тавсифи тақдим этилган. Олиб борилган ишнинг босқичлари ва дизайни келтирилган. Асосий дизайн бўлиб 061/у, 062 амбулатор карта шакллари, Соғлиқни сақлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари электрон ҳисоботлари, йиллик статистик бюллетенлари, Олимпия захиралари коллежи ва болалар ўсмирлар спорт мактаблари (БЎСМ) спорт шифокорларини тиббий хужжатлари, тиббий кўрик хулосалари ва сўровнома асосида олинган маълумотлар жамланмасини таҳлил қилиш йўли билан бир вақтда баён этувчи текширишлар (cross-sectional) кўринишидаги эпидемиологик тури ҳисобланди. Илмий иш эпидемиологик кузатувлар, асбоб-ускуналар ёрдамида ва клиник текширишлар натижаларига асосланган.

Тадқиқот босқичларининг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

Биринчи босқич: спорт турлари бўйича тақсимланиш, спорт объектлари, шуғулланувчилар тўғрисидаги ҳар йиллик статистик бюллетенлар маълумотларидан танлаб олиш йўли билан 2013-2020 йиллар даври динамикасида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожланишини ретроспектив таҳлили. Шунингдек, мамлакатдаги ихтисослаштирилган спорт муассасаларининг тиббиёт ходимлари билан таъминланганлиги, штатларни мавжудлиги, иш стажи ва минтақавий спорт бўлимлари ҳисоботларидан маълумот йиғиш йўли билан уларни малакасини ошириши таҳлили қилинди;

Иккинчи босқич: 2015-2020 йиллар даврида Республикада БЎСМ болалар ва ўсмирларини жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳисобот хужжатлари, шунингдек, Тошкент шаҳар шифокорлик жисмоний тарбия диспансери ҳисоботлари ўрганилди. 2017-2020 йиллар даврида Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансерининг ҳисобот хужжатлари маълумотлари қиёсий таҳлил қилинди.

Учинчи босқич: Pediatric Quality of Life Inventory – PedsQL 4.0 Generic Core Scale (респондентлар сони 738) халқаро сўровномасини рус тилидаги талқинини қўллаш йўли билан Олимпия заҳиралари коллежи ўқувчиларини ҳаёт сифати тўғрисида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Спорт тури ва ёшига боғлиқ ҳолда кўрсаткичлар Тошкент тиббиёт академияси қошидаги шаҳар лицейи ўқувчилари ва Тошкент шаҳри 10 мактаб ўқувчилари назорат гуруҳи билан солиштириб таҳлил қилинди.

Тўртинчи босқич: Ёш атлеткачиларни жисмоний ривожланганлигини баҳолаш. Антропометрик кўрсаткичлар, соматоскопия, функционал синамалар, ўпка тириклик сифими, бармоқ ва орқа мушакларнинг динамометриясини ўлчашни ўтказиш натижасида стандартлар ва индекслар усулини қўллаш йўли билан (иштирокчилар сони 600 киши) баҳоланди. Умумий жисмоний меҳнат қобилияти Гарвард степ-тест натижалари асосида баҳоланди.

Бешинчи босқич: Клиник текширишлар шаҳар ўсмирлар диспансери (2017-2020 йиллар), Тошкент шаҳридаги 13, 58, 34 спорт мактаблари ўқувчиларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш йўли билан бажарилди, иштирокчилар 2675 нафар болалар ва ўсмирлардан иборат бўлади, чуқурлаштирилган тиббий кўрик (ЧТК) хулосаларининг таҳлили ўтказилди. Чуқурлаштирилган тиббий кўриklar «Шаҳар ўсмирлар диспансери спорт тиббиёти бўлимида спортчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги ҳолат» тасдиқланган ва келишилган идоралараро хужжат асосида ўтказилади (2018 й.), у хорижий илмий асосланган амалиётни ҳисобга олиш билан оптималлаштирилган тадбирлар асосида ўзгартирилди ва ишлаб чиқилди. ЧТК дастурига қуйидаги тор соҳа мутахассисларининг кўриklари киритилган, уларга: кардиоревматолог, отоларинголог, офтальмолог, невропатолог, жарроҳ, эндокринолог, психоневролог, ортопед-травматолог, уролог, гинеколог, гастроэнтеролог, спорт шифокори; текширишнинг функционал усулларини ўтказиш (электркардиография, кўрсатмалар бўлса электрэнцефалография, ультратовуш текширув, эхоэлектркардиография, флюорография);


ташхислашнинг лаборатор усуллари, шунингдек, анамнез йиғиш, антропометрия, динамометрия, спирометрия, функционал синамаларни ўтказиш, жисмоний ривожланишни баҳолаш. ЭКГ ташхислаш (SHILLER) апаратини 50 мм/сония тезликда қўллаш йўли билан амалга оширилди, УТТ ва ЭХОКГ текширишлар эса (EDAN) апаратида ўтказилди. Боланинг саломатлик ҳолати тўғрисидаги умумий хулоса спорт шифокори томонидан аниқланган ва ўрнатилган ташхисларни кўрсатиш, овқатланиш, машғулот тартиби, спорт турини танлаб олиш бўйича тавсиялар билан бирга берилади. 2018 йилда болалар ва ўсмирларнинг умумий сони ўн етти минг уч юз тўқсон нафарни (17390) ташкил этди

Олтинчи босқич: Спортчиларнинг саломатлиги, уни касбий ўсиши ва ютуқлари ҳолати мониторинг дастури билан мураббий ва шифокорнинг иш ўринларини автоматлаштирилган тизим ва уни алгоритми яратилди.

Олинган маълумотларни статистик ва математик таҳлилни ўтказиш учун IBM PC тизимидан фойдаланилди. Microsoft Excel 2007 дастур пакети асосида маълумотлар базаси яратилди.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар спорти тизимини ташкил этилиши ва фаолиятини замонавий ҳолати» деб номланган учинчи бобида спортнинг ихтисослаштирилган, шулар қаторида таълим муассасаларининг таҳлили, уларни мувофиқлаштириш динамикаси тақдим этилган. Шифокорлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминланганлиги, уларни малакаси ва иш стажига оид масалалар кўриб чиқилди.

2000 йилдан 2020 йилларгача бўлган даврда республикадаги спорт таълим муассасалари динамикада ўзгариш миқдори 1- расмда тақдим этилган.



1-расм. Изох: ОЗК-Олимпия захиралари коллежи, БЎСМ – болалар -ўсмирлар спорт мактаби, ИБЎМ –ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар мактаблари, ИСМИ-ихтисослаштирилган спорт мактаб интернатлари

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг энг кўп ўсиши 2000 йилдан 2015 йиллар даврига тўғри келади, БЎСМ халқ таълими вазирлиги

тассаруфида бўлган. 2015 йилдан бошлаб тузилмани оптималлаштирилиши бошланди ва БЎСМ жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ихтиёрига ўтган. БЎСМ ни оптималлаштириш натижасида ишчилар штатини қисқартириш юзага келди, аммо мактабларда шуғулланувчи болалар ва ўсмирлар сони ўзгармасдан қолди ва йиллар мобайнида кўпайиб келди.

2013 йилдан 2020 йиллар даврида секция ва спорт мактабларининг асосий кўрсаткичлари 1-жадвалда тақдим этилган.

2013 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда секциялар ва спорт мактаблари фаолияти кўрсаткичларининг таҳлили, 2019 йилда спорт билан шуғулланувчилар сонини энг юқори даражада кўпайганлигини кўрсатди, у аёл жинсидаги шахслар улушини ортиши билан боғлиқ холда 2656016 ни ташкил этди.

2020 йилда шуғулланувчи болалар сони ва секцияларни ўсиши сезиларли бўлди. Умуман олганда асосий кўрсаткичларнинг ўсиш динамикаси умумий сонда 6 дан 8%гача ортиш вариациясига эга бўлди. Спортчиларнинг оммавий разряддан халқаро даражадаги спорт устасигача бўлган касбий ўсиши ўртача, оммавий разряд даражасининг умумий улуши билан шуғулланувчилар сонини ўсишига ўртача 18,3% мос келди.

1-жадвал

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари секцияларда шуғулланидиган разрядчилар сони

Йиллар	Секциялар (гурухлар) сони	Шуғулланувчилар сони	Улардан хотин-кизлар	БЎСМ секциялари, КФК, ФСКда шуғулланувчи мактаб ўқувчилари	Тайёрланган разрядчи спортчилар				
					ОР	1 разряд	СУН	СУ	ХДСУ
2013	95484	2253700	880868	363306	412486	12137	4948	767	184
2015	111721	2599370	1004916	350528	452771	14045	6085	988	210
2019	115181	2656016	1050150	366435	420799	13735	8370	1408	329
2020	117188	2360539	874255	387333	368741	10814	8156	1079	220

Изоҳ: ОР-оммавий разряд, СУН-спорт устаси номзоди, СУ-спорт устаси, ХДСУ-халқаро даражадаги спорт устаси


2013 йилдан 2020 йилларгача бўлган даврда спорт турлари бўйича таълим муассасаларидаги гуруҳлар (секциялар) ишининг асосий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган, кўрсаткичлар сўнгги йилларда спортга жалб этилганлар сонини ортишга мойиклик борлигини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, бизлар томонимиздан минтакалар бўйича спорт мактабларининг сони ва уларни тиббиёт ходимлари билан таъминланганлигини қиёсий таҳлили ўтказилди.


**Спорт таълим муассасаларида шуғулланадиган спорт турларидаги
шуғулланувчилар сони**

Йиллар	Жами шуғулланувчилар сони	Жумладан, спорт турлари бўйича			Улардан хотин-қизлар	Жумладан спорт турлари бўйича		
		Олимпия	Миллий	Бошқа тулар		Олимпия	Миллий	бошқа
2013	138793	111670	16833	10290	41010	36325	2030	2655
2015	350142	288283	33108	28752	101288	89808	4233	7247
2019	367780	280164	41739	45877	94928	80760	5389	8779
2020	375177	276145	43216	55816	90592	74802	5686	10104

Худудлардаги спорт мактабларида шифокорлар сонини кўрсаткичи, 2016 йилда 225 мактабдан 74 тасида шифокорларни мавжуд эмаслигини, 2020 йилда эса 254 мактабдан 58 тасида шифокорларсонини етарли эмаслигини кўрсатди. Умуман олганда спорт мактабларини шифокорлар билан таъминланиш тенденциясини ўсиши кузатилади, бироқ шифокорни эгаллаб турган лавозимига мос келмаслиги ўз ўрнига эга бўлади. 2020 йилдаги шифокорларнинг умумий сонидан спорт шифокорлари -15, педиатр-75, шифокор-диетолог-6, травматолог-23, отоларинголог-3, фельдшер-13 мутахассисларни ташкил этган. Спорт тиббиётидаги иш стажи 4,56±2,34 дан 17,16±5,82 йилларгача кўрсаткичга эга бўлган.



2-расм. 2016-2020 йиллар даврида республика болалар-ўсмирлар спорт мактабларини шифокорлар билан таъминланганлик динамикаси



3-расм. 2016-2020 йиллар даврида республика болалар-ўсмирлар спорт мактабларини шифокорлар билан таъминланганмаганлик кўрсаткичлари

Мамлакатдаги спорт муассасаларининг фаолияти, асосий ихтисослаштирилган спорт муассасаларини қайта қурилиш жараёнларини таҳлилидан чиқиб, жисмоний тарбия ва спорт билан, шулар қаторида аёллар ўртасида шуғулланувчи шахслар сонини ортишга мойиклик кузатилмоқда. Ўз навбатида бирламчи тавсиялар тизимида ҳам, ўтказилган касаллик ва жароҳатлардан кейин ҳам спорт билан шуғулланишга рухсат бериш, тиббий назорат муаммолари сақланиб қолмоқда. Спорт мактаблари тизимида спорт шифокорларини етишмаслиги, уларни малакасини ўз вақтида оширилмаслиги, касбий жамиятнинг мавжуд эмаслиги ва мутахассисларни бирлашмаганлиги, ташкилотлараро муассасалар фаолиятини уйғун эмаслиги, мазкур контингент шахсларига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини пасайишига олиб келади.

Диссертациянинг «Олимпия захиралари марказларида ва спорт мактабларида таълим олувчиларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланишининг хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобда ёш спортчиларни жисмоний ривожланиши ҳолати, баҳоланиши, турли спорт турдаги спорчиларни кўрсаткичларини таҳлили кўрсатилган.

Текширишлар вақтида индивидуумнинг биологик ҳолат даражаси ва жисмоний иш қобилиятини акс эттирувчи, морфофункционал кўрсаткичлар мажмуаси сифатидаги жисмоний ривожланиш, инсон саломатлиги ҳақидаги энг кўп маълумот берувчи мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади. Хажми ва жадаллиги бўйича сезиларли бўлган жисмоний машқлар, ўзи билан баркамол ривожланишни бузилишини, юқори даражадаги юкламаларни олиб келади, турли патологияларни ривожланишига сабаб бўлади.

Спорт турлари бўйича спортчиларда жисмоний ривожланишни умумий баҳолаш 76% спортчиларда баркамол ривожланишни кўрсатди, қиёсий тавсифда баркамол ривожланишнинг энг юқори кўрсаткичи якка кураш

вакиллари ва футболчиларда, дисгормоник ривожланиш эса спортнинг миллий турлари ва волейболчилар орасида учради. 3-жадвалда ёш ва спорт турига боғлиқ холда жисмоний ривожланишнинг асосий мезонлари тақдим этилган.

3-жадвал

Турли спорт турлари билан шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари

Спорт тури	ёши	бўйи (см)	оғирлиги (кг)	қомати (кг)	Ўнг динамометрия (кг)	Чап динамометрия (кг)	ТВИ кг/м ²
Футбол	13-14	159,5±1,5	44,5±1,6	40,5±3,6	25,8±1,8	23,8±2,1	17,5±0,48
	15-16	164,1±2,1	51,8±2,1	59,4±3,4	37,6±1,9	34,5±2,0	19,1±0,46
	17-18	173,3±0,92	64,4±1,7	81,3±3,6	48,4±1,7	45,9±1,4	21,4±0,41
	19-<	173,3±1,8	66,5±1,8	95,5±6,3	49,5±2,5	47,3±2,1	22,1±0,38
Сузиш	13-14	159,6±2,9	48,5±2,9	68,6±4,3***	32,5±1,8*	30,7±2,2*	18,9±0,70
	15-16	159,3±2,4	60,1±5,4	62,1±4,7	32,1±2,7	27,7±2,3*	23,9±2,5*
	17-18	166,0±1,7**	63,4±2,1	92,8±8,7	42,9±2,1*	42,1±2,7	23,0±0,58*
	19-<	169,5±1,9	72,5±5,4	127,5±10,5*	55,3±6,0	57,0±8,6	25,1±1,3*
Дзю-до	13-14	152,7±2,3 [^]	44,3±1,9	56,4±2,3 ^{^^}	28,9±2,6	26,8±2,4	18,9±0,45*
	15-16	165,8±1,8 [^]	60,3±2,6*	84,8±13,9	45,5±1,9 ^{^^^}	45,2±2,7 ^{^^^}	21,7±0,51**
	17-18	175,0±1,2 ^{^^^}	72,3±2,9 [^]	110,1±7,9**	52,2±2,9 [^]	49,8±2,8 [^]	23,5±0,80*
	19-<	172,7±2,3	75,1±3,1*	133,3±6,4***	56,3±2,4*	54,4±3,2*	25,1±0,53***

Изоҳ: *-футболчилар кўрсаткичлари билан солиштириб бўйича ишончли (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001), ^ - сузиш спорти билан шуғулланувчилар кўрсаткичлари билан солиштириш бўйича ишончли (^-P<0,05; ^^ -P<0,01; ^^ -P<0,001).

Жисмоний иш қобилиятининг даражаси шунингдек саломатликнинг умумий ҳолатини интеграл тавсифларидан бири бўлиб ҳисобланади. Олимпия захиралари коллежлари шароитидаги тиббий кўрик диспансерларида умумий жисмоний меҳнат қобилиятини баҳолаш учун Гарвард степ тести қўлланилди.

Барча текширилганларда Гарвард степ тестининг индекси (ГСТИ) кўрсаткичларининг катталиги 83,9±3,1 (ўртача баҳо)дан 119,1±3,8 (аъло баҳо) вариациясига эга бўлди. ГСТИ катталигини энг кичик даражаси қиличбозларда баҳоланган бўлса, энг юқориси боксчилар ва футболчиларда кузатилди.

Спортнинг сувли турлари билан шуғулланувчиларда ГСТИ катталигини вариацияси 95,0±5,5 дан 102,6±2,2 гача бўлди. Якка курашнинг дзю-до, кураш, Турон ва белбоғли –кураш каби турларида ГСТИ даражаси аъло деб баҳоланди ва ўртача 116,1±7,6ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар спортини тиббий-ижтимоий жиҳатлари» деб номланган бешинчи бобида Тошкент шаҳридаги болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, шунингдек, Олимпия

захиралари ихтисослаштирилган мактабларида шуғулланаётган болалар ва ўсмирлар саломатлигининг баъзи кўрсаткичларини таҳлили келтирилган.

Куйилган вазифаларни ҳал этиш учун тадқиқот гуруҳ мактабларида таълим олаётган болалар ва ўсмирлар сонидан 4 ёш-жинс гуруҳи шакллантирилди: 11-14 ёшдаги ўғил болалар, 11-14 ёшдаги қиз болалар, 15-18 ёшдаги ўғил болалар, 15-18 ёшдаги қизлар. Бирламчи чуқурлаштирилган тиббий кўрикда аниқланган касалланишнинг умумий даражаси 4-жадвалда тақдим этилган.

4-жадвал

1000 нафар болага нисбатан спортчиларни бирламчи касалланиши

Ёш гуруҳи, ёш	жинси	2017	2018
11-14	Эркак	289,7±25,7*	224,8±23,6*
	Аёл	219,0±16,8	187,0±15,8***
15-18	Эркак	324,4±25,7	293,0±23,9*
	аёл	220,2±21,3	181,8±19,0*

Изоҳ: * назорат гуруҳидаги қиёсий маълумотларидаги фарқлар аҳамиятлидир (* P<0,05, *** - P<0,001)

2017 йилда ЧТК ўтган спортчилар орасида касалликларни аниқланган ҳолатларини сони умумий касалланишнинг (5 912 киши) 34%ни ташкил этди, 2018 йилда 20433 нафар болалар ва ўсмирлар орасида 7307(35,7%) у ёки бу турдаги патологиялар аниқланди, бу чуқурлаштирилган тиббий кўрикни ўтказиш вақтида касалликни мавжудлик тенденциясини сақланиб қолганлигини кўрсатади.

Касалликлар тузилмасини ўтказилган таҳлиliga мос ҳолда энг кўп учрайдиган патологиялар бўлиб, таянч-ҳаракат аппарати ва юрак қон-томир тизим касалликлари бўлиб қолмоқда, улар орасида энг юқори фоизни қоматни бузилиши, ўсмирлик остеохондрози ва бошқалар ташкил этади, юрак қон-томир тизим касалликлари асосан юрак ривожланишини кичик аномалиялари ва вегетатив асаб тизимини соматоформ дисфункцияси кўринишида намоён бўлади.

Демак, 2017 йилда аниқланган кардиологик патологиялар орасида 63,7% нерв тизимининг соматоформ вегетатив дисфункциясига тўғри келди ва 32,3% ЮРКАга шубҳа қилинган болалар аниқланди. 2017 йилда диспансерда ЭХОКГ мавжуд бўлмаганлиги билан боғлиқ ҳолда, ЭХОКГ ўтказилиши лозим бўлган 760 нафар инсондан 63 нафари текширишдан ўтказилган, бунда 3-инсонда ВПС (0,4%), 5- инсонда ПМК (0,66%), 11 нафар инсонда-қўшимча хорда (1,44%) аниқланган, функционал шовқин камқонлик билан боғлиқ бўлган 44 нафар спортчилар соғлом бўлиб чиққан. Дерматологик ва стоматологик касалликлар ўртача 13%дан 28%гача ҳолда сақланиб қолади. 2017 ва 2018 йилларда умумий касалланиш 35% чегарасида сақланиб қолди.

Диссертациянинг «Машғулот вақтида ёш спортчилар организмига юкламаларни махсус таъсири» деб номланган олтинчи бобида иссиқ иқлим шароитида машғулот тартиби, болалар-ўсмирлар спорт мактабидаги ёш спортчилар устидан машғулот олиб бориш даврида шифокор-мураббий назорати тизимлари ўрганилган. Тадқиқотлар Тошкент шаҳридаги 2 ва 5-


болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ўтказилди. Ҳар бир мактабда спорт тайёргарлигининг турли даражасида бўлган учта гуруҳда: бошланғич (шуғулланишни бошлаганига 1-2 йил бўлган), ўрта (3-4 йил бўлган), катта (5-7 йил бўлган) шифокор-мураббий кузатувлар (ШМК) ўтказилди. 2-БЎСМ (назорат гуруҳи) да ШПК амалдаги баённома бўйича олиб борилди, бунда юкламанинг физиологик эгрилигини тузиш билан машғулот ўтказишни турли қисмларида ҳар 30 дақиқада пульс ва атрериал босими кўрсаткичлари аниқланди. 5-БЎСМда (асосий гуруҳ) ШМК такомиллаштирилган баённома бўйича ўтказилди. Бунда машғулот бошлангунча бўлган вақтда ёш спортчини ўзини қандай ҳис қилиши, унинг рухий-эмоционал ҳолати, саломатлигидан шикоятларини мавжудлиги аниқланди. Гемодинамик кўрсаткичлар ҳар 10-15 дақиқада аниқланди. Машғулот хронометражи ўтказилди, ҳар дақиқада юклама тавсифи, ҳар хил турдаги юкламаларнинг нисбати (умумий жисмоний тайёргарлик, махсулаштирилган юкламалар) қайд этилди. Машғулотнинг асосий ва якуний қисмларида чарчашнинг ташқи белгилари: тери қопламасининг ранги, тер ажралиш тавсифи, координация ва мувозанатни ушлаш, 3-балли тизим бўйича тренернинг турли даражадаги буйруқларига реакциялар аниқланди. Машғулот якунлангандан сўнг ёш спортчиларнинг рухий-эмоционал ҳолати, уларни ўзини ҳис қилиши баҳоланди.

Ўтказилган ШМК маълумотлари таҳлилининг хулоса қисмида: машғулот ўтказиш тартибини тўғрилиги (кириш, асосий ва якуний қисмларни мавжудлиги), машғулотни зичлиги, машғулот давомида юкламаларни тақсимланиши, майда қисмларгача ҳисобга олинган юклама эгрилиги, чарчашни мавжудлиги ва уни даражаси, ёш спортчининг рухий эмоционал ҳолати, шунингдек юкламани оқилона ташкил этиш ва машғулот жараёнини такомиллаштириш бўйича тренерга тавсиялар кўрсатилган.

Спортчи организмнинг етакчи тизимларини мослашиш заҳирасига машғулотлар таъсирини ўрганиш, машғулотни йиллик циклини тайёргарлик ва тикланиш даврида ўтказилди. Тадқиқотларда жами бўлиб, спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланувчи 130 нафар эркак жинсидаги ёш спортчилар иштирок этди. Улардан 26 нафари спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчилар, 13 нафари – спортнинг ўйин турлари билан ва 91 нафарини эркак жинсидагиларни яқка кураш вакиллари ташкил этди, уларнинг ўртача ёши $14,02 \pm 1,14$ ёшга тенг бўлди. Спортдаги стажи 6 йилдан 8 йилгачани ташкил этди. Баҳолаш мезони бўлиб, юрак қон-томир ва вегетатив нерв тизим реакцияларининг жавоб типлари - умумий жисмоний меҳнат қобилияти ва спортчини рухий-эмоционал статуси бўлди.

